



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 20 yil « 2 » декабрь

№ 765

Toshkent sh.

Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини республика ҳудудига олиб кириш тартибини соддалаштириш тўғрисида

Республика ҳудудига кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини олиб киришни тартибга солиш, жумладан қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ҳамда рўйхатга олишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ва “Ўзкимёсаноат” АЖнинг хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини республика ҳудудига олиб кириш тартибини соддалаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “ 2 ” декабрдаги 765-сон қарорига
илова

Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий атамалар қўлланилади:

ариза берувчи – кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун ариза берган юридик ва жисмоний шахслар;

Давлат кимё комиссияси – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш бўйича давлат комиссияси;

ишчи орган – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш бўйича давлат комиссияси ишчи органи;

кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш – кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, олиб келиш, реализация қилиш ва қўллаш учун рухсат берадиган тартиб-тамойил;

кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовлари – кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини биологик самарадорлигини, токсикологик-гигиеник ва экологик, тупроқ микрофлораси ва фаунасига таъсирини аниқлаш учун синовларни ташкил этиш;

кимёлаштириш воситалари – қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланишини жадаллаштириш, пишиб етилишини тезлаштириш, ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек, тупроқ унумдорлигини яхшилаш учун фойдаланиладиган кимёвий ва бошқа воситалар;

комбинацияланган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари – таркибида икки ва ундан кўп таъсир этувчи моддаси бўлган препаратлар;

рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома – кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

таъсир этувчи модда – ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг препаратив шакли таркибидаги биологик актив қисми;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари – ўсимликларни ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган кимёвий ва биологик воситалар;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг аналитик стандарти – ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг препаратив шакли таркибидаги биологик актив қисми (таъсир этувчи модда)нинг стандарт намунаси;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг аналоги – битта таъсир этувчи модда асосида, худди шундай препаратив шаклда тайёрланган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари;

фойдаланиш регламенти – кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш қоидалари;

эталон – рўйхатга олинадиган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари самарадорлигини қиёслаш варианты.

3. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома бериш мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ёки хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхатга олиниши шарт.

5. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома Давлат кимё комиссиясининг қарорига асосан ишчи орган томонидан берилади.

6. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома беш йил муддатга берилади.

7. Белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, олиб келиш, реализация қилиш ва қўллаш таъқиқланади.

2-боб. Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳномани олиш учун ҳужжатлар тақдим этиш

8. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун ариза берувчилар (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи ишончли вакил) ушбу Низомга мувофиқ қуйидагиларни тақдим этади:

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда ариза;

маҳаллий ариза берувчилар томонидан бошқа мамлакатлардан олиб келинадиган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини

рўйхатдан ўтказиш учун ишлаб чиқарувчининг розилик хати ва ишлаб чиқариш сертификати;

кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатдан ўтказган ташкилотлар номидан, товар белгисидан (хизмат кўрсатиш белгисидан) бошқа шахс фойдаланганда тузилган лицензия шартномаси ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси нусхаси;

мазкур Низомнинг 3-9-иловаларида назарда тутилган тартибда йиғилган, қисмлар бўйича гуруҳланган ва рақамланиб, тегишли равишда ариза берувчилар (раҳбари)нинг имзоси билан тасдиқланган техник ҳужжатлар тўпламининг бир хилдаги уч нусхаси;

синовлар ўтказиш учун зарур бўлган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг намуналари ва таққослаш учун эталонлари;

аналоги бўлмаган янги ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилаётганда уларга тегишли аналитик стандарти;

янги микробиологик кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилаётганда 3, 6, 7 ва 9-иловаларга мувофиқ шаклдаги маълумотлар;

таркибида янги таъсир этувчи моддаси бўлган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилаётганда 3–9-иловаларга мувофиқ шаклдаги маълумотлар;

препаратив шакли ўзгарган ва (ёки) концентрацияси ўзгарган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг аналоги рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилаётганда 3, 3а, 4 ва 9-иловаларга мувофиқ шаклдаги маълумотлар;

янги препаратив шакли ўзгарган ва (ёки) титри ўзгарган микробиологик ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилаётганда 3, 6 ва 9-иловаларга мувофиқ шаклдаги маълумотлар;

таркибида олдин Давлат кимё комиссияси томонидан рўйхатдан ўтказилган таъсир этувчи моддалари бўлган комбинациялашган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилаётганда 3, 4 ва 9-иловаларга мувофиқ шаклдаги маълумотлар;

қайта рўйхатга олиш ёки қўллаш соҳаси кенгайтирилаётган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилаётганда 3, 3а ва 9-иловаларга мувофиқ шаклдаги маълумотлар тақдим этилади.

9. Ариза берувчилардан ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилмаган ҳужжатлар ва намуналарни тақдим этишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар бевосита, почта алоқа

воситаси орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақидаги хабарнома билан бирга тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Бунда кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари намуналари бевосита ёки почта алоқа воситаси орқали тақдим этилади.

11. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ва тегишли намуналар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатда ҳужжатларнинг қабул қилинган санаси ва қабул қилган шахснинг лавозими, фамилияси, исми кўрсатилиб, имзоси қўйилган ҳолда дарҳол ариза берувчиларга берилади (юборилади).

3-боб. Аризани кўриб чиқиш, рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

12. Давлат кимё комиссияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда ариза берувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовларини ўтказиш режасини тасдиқлайди.

13. Рўйхатга олиш синовлари:

кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Фанлар академияси томонидан тасдиқланган илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан;

токсикологик-гигиеник хоссаларини аниқлаш бўйича – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати рухсат этган илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан;

экологик хоссаларини аниқлаш бўйича – Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ўтказилади.

14. Рўйхатга олиш синовларини ўтказиш учун зарур бўладиган маблағлар ариза берувчилар билан синовни ўтказувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ариза берувчилар томонидан тўлаб берилади.

15. Рўйхатга олиш синовлари режасига мазкур Низом талабларига мувофиқ рўйхатга олиш учун тақдим этилган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари киритилади.

16. Синовни ўтказувчилар синов ўтказиш схемаси ва иш дастурларини ишлаб чиқади ва ариза берувчилар билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

17. Рўйхатга олиш синовини ўтказиш учун ариза берувчилар синов бошланишидан бир ой олдин синовни ўтказувчиларга зарур миқдордаги кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари намунасини, таққослаш учун эталонларни ва таъсир этувчи моддаларнинг аналитик стандартларини тақдим этиши шарт.

18. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, уларнинг аналитик стандартлари ҳамда эталонлар миқдори иш дастурига мувофиқ синовларни ўтказадиган ташкилотлар томонидан аниқланади.

19. Тақдим этиладиган намуналарнинг ишончли сақланиши, мақсадга кўра хавфсиз фойдаланилиши учун жавобгарлик синовдан ўтказувчилар зиммасида бўлади.

20. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовлари ишлаб чиқариш шароитида ўсимликларнинг тўлиқ вегетация даврида (кўпи билан икки йилда) ўтказилади. Бунда:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхатига (кейинги ўринларда – Рўйхат) киритилмаган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари шошилиш чоралар кўриш талаб этиладиган вазиятларда бир йилгача муддатга тажриба тарзида қўллаш учун республика ҳудудига олиб киришга рухсат этилади. Бунда параллел равишда кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовлари ўтказилади;

халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган, олдин ўрганилган ва таъсир этувчи модда тўғрисида тўлиқ асосли маълумотлар ҳамда қўллаш бўйича регламентлар мавжуд бўлган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг аналоглари ўсимликнинг битта вегетация даврида биологик самарадорлик бўйича ўтказилган синов натижаларига кўра рўйхатга олинади;

кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун токсикологик-гигиеник, санитария-гигиеник ва экологик хусусиятларни ўрганиш бўйича ариза берувчи томонидан асосланган маълумотлар, шу жумладан, хорижий давлатларда ўтказилган синовлар ҳулосаси тақдим этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан токсикологик-гигиеник, санитария-гигиеник ва экологик синовлар ўтказилмасдан ариза берувчи томонидан

тақдим этилган ҳужжатлар экспертизасининг хулосаси асосида рўйхатга олиш учун тавсия этилади;

заҳарлилик даражаси учинчи ва тўртинчи синфда бўлган минерал ўғитлар, микроўғитлар, биостимуляторлар ҳамда биоўғитлар лаборатория таҳлилларининг натижаси асосида рўйхатга олинади;

мувофиқлик сертификатига эга бўлган ҳамда рўйхатга киритилган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини республика ҳудудига олиб киришга рухсат этилади;

республика ҳудудига кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини олиб кириш учун талаб этиладиган мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган пайтдан бошлаб беш иш кунидан ошмаслиги лозим.

21. Таркибида олдин Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган таъсир этувчи моддаси бўлган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари аналоглари 2-3 та асосий экин турининг битта вегетация даврида ўтказилган синовнинг ижобий натижаларига кўра рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

22. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари синовдан ўтказилган далаларда етиштирилган ҳосилдан давлат санитария назоратини амалга оширувчи органнинг рухсати билан фойдаланиш мумкин.

23. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг эҳтиёжлари учун зарур бўлган алоҳида ҳолларда кичик майдонларда етиштириладиган ўсимликларни ҳимоя қилишда ишлатиладиган, бироқ тижорат қийматига эга бўлмаган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовлари Давлат кимё комиссияси томонидан молиялаштирилади.

Бунда ишлаб чиқарувчи кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг намунасини синовни ўтказувчиларга зарур миқдорда етказиб беради.

24. Синовларнинг белгиланган тартибда ўтказилиши, натижаларнинг ишончлилиги, хулосалар ва тавсияларнинг объективлиги (ҳолисоналиги) учун синовни ўтказувчилар жавобгар ҳисобланади.

25. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш тўғрисида ариза берган, шунингдек, уларни яратган шахслар кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовлари натижаларига доир хулоса тайёрланишида қатнашиши мумкин эмас.

26. Синовни ўтказувчилар синовлар ва экспертиза натижалари бўйича илмий ҳисобот тайёрлайди ва унинг асл нусхасини Давлат кимё комиссияси ишчи органига тақдим этади.

27. Ишчи орган ўтказилган синовлар якунига оид илмий ҳисоботлар, хулосаларни таҳлил этади, умумлаштиради ва ўттиз кун муддатда Давлат кимё

комиссиясига киритади. Давлат кимё комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, муҳокама қилади ҳамда кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасини рўйхатга олиш ёки рад этиш тўғрисида тегишли қарорни қабул қилади.

28. Кимёлаштириш ёки ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасини рўйхатга олганлик учун чет эллик ариза берувчи томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорда, восита қайта рўйхатга олинганда ёки қўллаш доираси кенгайтирилганда 100 баравари миқдорида бир марталик йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ундирилади. Чет эл валютасидаги тўловлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тўлов тўланадиган кун учун белгиланган валюталарнинг расмий айирбошлаш курси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

Маҳаллий ариза берувчилардан мос равишда базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 ва 10 баравари миқдорида бир марталик йиғимлар ундирилади.

Ишчи орган ҳисобварағига келиб тушган маблағлар Давлат кимё комиссияси томонидан тасдиқланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида рўйхатдан ўтказиладиган харажатлар сметасига асосан ишлатилади. Бунда, ишчи орган ҳисобварағида йиғилган маблағлар фақат ишчи орган фаолиятини сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун сарфланади.

29. Ишчи орган Давлат кимё комиссиясининг қарорига асосан ариза берувчиларга мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган намунадаги рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳномани расмийлаштиради ва беради (ёки юборади).

30. Давлат кимё комиссияси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларни ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхатини юритади ҳамда веб-сайтида эълон қилиб боради.

31. Рўйхатни юритиш ва эълон қилишга Давлат кимё комиссиясининг кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасини рўйхатга олиш ҳақидаги қарори асос бўлиб ҳисобланади.

32. Рўйхатни юритиш ва эълон қилиш харажатлари Давлат кимё комиссияси ишчи органи томонидан қопланади.

33. Рўйхатга олиш муддати тугагандан сўнг, ариза берувчининг аризасига кўра кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари кейинги муддатга қайта рўйхатга киритилиши мумкин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги

хизмати ва Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг хулосалари асосида қабул қилинган Давлат кимё комиссиясининг қарори кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини кейинги муддатга қайта рўйхатга киритилишига асос бўлади.

34. Қуйидагилар кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома беришни рад этиш учун асос бўлиши мумкин:

рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома бериш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва намуналарнинг ариза берувчи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилиши, рухсат бериш талаблари ва шартларига номувофиқлиги;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ушбу Низомга мувофиқ кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовларини ўтказиш якунлари бўйича асослантилган салбий хулосалар берилиши.

35. Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома беришнинг бошқа асосларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

36. Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳномани беришнинг рад этилганлиги тўғрисидаги хабарнома ариза берувчига ёзма шаклда, рад этишнинг сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ҳамда ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади).

37. Ариза берувчи рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома беришни рад этиш сабабларини бартараф этишга ва такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этишга ҳақли бўлган муддат рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас.

38. Ариза берувчи томонидан рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома беришни рад этиш сабабларини бартараф этилиши натижасида кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг сифати, самарадорлиги ва хавфсизлик хоссаларининг ўзгаришига олиб келса, у ҳолда ариза янгидан берилган ҳисобланади.

39. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда илгари ариза берувчига ёзма равишда баён қилинмаган сабабларнинг келтирилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабабларнинг бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган рад этиш сабабларининг келтирилиши бундан мустасно.

40. Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома бериш рад этилгани тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин ариза берувчи

томонидан берилган ариза янгидан берилган ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилади.

4-боб. Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳномани қайта расмийлаштириш, дубликатлар бериш

41. Ариза берувчининг ташкилоти қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган манзили ўзгарганда, фаолият кўрсатиш жойи (почта манзили) ўзгартирилмасдан ариза берувчи ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилганда, кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳномани қайта расмийлаштириш бўйича маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ариза берилиши шарт. Бунда ариза берувчидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

42. Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома қайта расмийлаштирилганда, рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳномалар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

43. Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳномани қайта расмийлаштириш ва уни аризачига бериш ариза олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

44. Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома йўқолган ёки яроқсиз бўлиб қолган ҳолларда ариза берувчининг аризасига биноан унинг дубликати берилади ва уни расмийлаштириш ариза олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади. Дубликат расмийлаштирилганда тўловлар ундирилмайди.

45. Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳноманинг дубликатини расмийлаштириш ва уни аризачига бериш ариза олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

5-боб. Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

46. Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

47. Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган, рухсат бериш талаблари ва шартларининг бир маротаба кўпол равишда бузилишига қуйидагилар киради:

Давлат кимё комиссияси ишчи органи томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган рухсат бериш талаблари ва шартларига риоя этилиши бўйича текширувлардан бош тортиш;

ҳаракатларни ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш натижасида фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши ёхуд зарар етказишнинг реал хавфини юзага келтириш.

48. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг рўйхатга олинганлиги қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

қўлланилаётган воситалар таркибида аралашмалар бўлса ёки уларнинг таркиби рўйхатга олинган таркибдан фарқ қилса;

рўйхатга олинган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари қўлланилганда фуқаролар соғлиғига, атроф муҳитга ёки фойдали энтомофагларга зарар етказилиши эҳтимоли тўғрисида янги илмий жиҳатдан тасдиқланган маълумотлар мавжуд бўлса.

49. Рўйхатга олинган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг номақбул хоссалари, биологик жиҳатдан самарадорлиги паст эканлиги аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг хулосасига кўра Давлат кимё комиссияси томонидан уларнинг рўйхатга олинганлиги бекор қилинади.

6-боб. Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳномалар реестрини юритиш

50. Ишчи орган рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг реестрини юритади.

51. Рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг реестрида қуйидаги маълумотлар кўрсатиб ўтилади:

ариза берувчининг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, манзили, телефони;

рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳноманинг берилган санаси ва тартиб рақами;

рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиш муддати;

рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳноманинг қайта расмийлаштириш, тўхтатиб туриш, уни бекор қилиш ва унинг дубликати беришнинг асоси ва санаси.

7-боб. Яқунловчи қоида

52. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини
синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш
ТАРТИБИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш гувоҳномаси олиш учун ариза ва тегишли хужжатларни Давлат кимё комиссиясининг Ишчи органига тақдим этади	Йил давомида
2-босқич	Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссиясининг Ишчи органи	Рўйхатга олиш синовларини ўтказиш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишади ва тасдиқланишини таъминлайди	Йил давомида
	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати	Ариза берувчиларнинг мурожаатига кўра токсикологик-гигиеник синовлар режасини шакллантиради	
	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Ариза берувчиларнинг мурожаатига кўра экологик-токсикологик синовлар режасини шакллантиради	
3-босқич	Ариза берувчи	Синовлар ўтказиш учун препаратлар намунаси, эталон ва стандартларни ҳамда техник хужжатларни тақдим этади	Синовлар бошланишдан 1 ой олдин

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
4-босқич	Илмий-тадқиқот институтлари	Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг биологик самарадорлигини аниқлаш синовларини ўтказди	Ўсимликнинг битта вегетация даврида
5-босқич	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини токсикологик-гигиеник ва экологик жиҳатдан баҳолаш синовларини ўтказди	6 ойгача бўлган муддатда
6-босқич	Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссиясининг Ишчи органи	Синовлар якунига оид илмий ҳисоботлар, хулосаларни умумлаштириб, Давлат кимё комиссияси мажлиси учун ҳужжатларни тайёрлайди	Синовлар натижалари асосида 30 кун муддатда
7-босқич	Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссияси	Синовлар якунига оид умумлашган хулосаларни кўриб чиқиш, муҳокама этиш, рўйхатга олиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади	10 кун муддатда
8-босқич	Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссиясининг Ишчи органи	Гувоҳномаларни расмийлаштиради ва ариза берувчига беради (ёки юборади)	тўловлар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг, 10 кун муддатда

Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини
синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасини Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олиш учун
АРИЗА***

Т/р	Маълумотлар	
1	Ариза берувчи тўғрисида маълумот	
	Ариза берувчи (номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли)	
	Почта адреси ва жойлашган манзили, телефон, факс, e-mail	
	Раҳбарнинг Ф.И.О	
	Ишлаб чиқарувчи ташкилот тўғрисида маълумот	
Ташкилот номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли		

*) Ариза ариза берувчилар томонидан йил давомида тақдим этилади

2	Лецензия рақами, фаолият тури, амал қилиш муддати	
	Юридик манзили телефон, факс, e-mail	
	Раҳбар Ф.И.О	
3	Восита тўғрисида маълумот	
	Номи (савдо номи)	
	Халқаро патентланмаган номи	
	Препарат шакли	
	Препарат тури	
	Концентрацияси (г/л, г/кг, ФБ/г, ФБ/мл)	
	Қўлланилган экин тури ёки объекти	
	Зарарли организм	
Сарф меъёри		

	Қўллаш усули	
	Қўллаш даври (ҳимояланадиган ўсимликнинг ривожланиш фазаси)	
	Қўллаш такрорийлиги	
4	Восита хомашёси тўғрисида маълумот	
	Таъсир этувчи модда(лар)ни ишлаб чиқарувчи ташкилот, давлат	
	Таъсир этувчи модда(лар) (ISO)	
5	Воситанинг яроқлилиқ муддати тўғрисида маълумот	
	Яроқлилиқ муддати	
	Бирламчи ўрамни биринчи маротаба очилгандан ёки эритилгандан сўнг сақлаш (яроқлилиқ муддати)	
6	Воситани сақлаш тўғрисида маълумот	

Тўлдирилган сана:

20__ йил “____” _____

Ариза берувчининг Ф.И.О., имзоси

Кимёлаштириш ва ўсимликларни химоя қилиш
воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Тақдим қилинаётган ўсимликларни химоя қилиш воситаларининг
физикавий-кимёвий хусусиятлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/ р	<i>а) Таъсир қилувчи модданинг физикавий-кимёвий хусусиятлари</i>	
1	Таъсир қилувчи модда (ISO, IUPAK, CAS RN бўйича)	
2	Структуравий формуласи (оптик изомерлари кўрсатилсин)	
3	Эмпирик формуласи	
4	Молекуляр оғирлиги	
5	Агрегат ҳолати	
6	Ранги, ҳиди	
7	Ҳарорат 1-20°C ва 40°C бўлганида буғларнинг босими, мм.с.мб.уст да кўрсатилсин	
8	Сувда эриши	
9	Органик эритувчиларда эриш кўрсаткичи, мг/100 мл	
10	Эриш ҳарорати	
11	Қайнаш ва музлаш ҳарорати	
12	Чакнаш ва алангаланиш ҳарорати	
13	Зичлиги (модда газсимон ҳолатда бўлса), ҳароратнинг t-0°C ва босим 760 мм симоб устунида кўрсатилсин	
	<i>б) Техникавий маҳсулотнинг физикавий-кимёвий хусусиятлари</i>	
1	Техникавий маҳсулотнинг тозаллиги, аралашмаларнинг сифатий ва миқдорий таркиби	
2	Агрегат ҳолати	
3	Ранги, ҳиди	
4	Эриш ҳарорати	
5	Чакнаш ва алангаланиш ҳарорати	
6	Зичлиги (модда газсимон ҳолатда бўлса), ҳароратнинг t-0°C ва босим 760 мм симоб устунида кўрсатилсин	
7	Термо ва фотобарқарорлиги	
8	Техникавий маҳсулотнинг тозаллигини, шунингдек, маҳсулотнинг таркиби, изомерлари, аралашмаларни ва ш.к. аниқлаш учун қўлланадиган таҳлилий усул (ушбу банд резюмеда акс этмайди)	
	<i>в) Препаратив шаклининг физикавий-кимёвий хусусиятлари</i>	
1	Агрегат ҳолати	

2	Ранги, ҳиди	
3	Сув эмульсияси ёки суспензиясининг барқарорлиги	
4	РН	
5	Намлиқ даражаси (%)	
6	Ёпишқоқлиги	
7	Дисперслиги (зарраларга ажраши)	
8	Зичлиги	
9	Зарраларнинг (кукун, гранула ва ш.к.) ўлчами	
10	Намланиши	
11	Чақнаш ва алангаланиш ҳарорати	
12	Қайнаш, музлаш ва кристаллашув ҳарорати	
13	Портлаш хавфи	
14	Учувчанлиги	
15	Коррозион хусусияти	
16	Аралашмаларнинг сифатий ва миқдорий таркиби	
17	Кимёвий номланиши	
18	Бошқа пестицидлар билан бирга қўллаш имконияти	
19	Таъсир қилиш тезлиги	
20	Ҳимоявий таъсир даври	
21	Мутагенлик ва фитотоксик хусусияти	
22	Резистентлик юзага келиш имконияти	
23	Токсик хусусияти (хавфлилик тоифаси кўрсатилади)	
24	Қолдиқ (сувда, ҳавода, тупроқда, озиқ-овқат маҳсулотларида) миқдорларини аниқлаш усули илова қилинсин Мослаштирилган услубларни тақдим этишга йўл қўйилади	

Кимёлаштириш ва ўсимликларни химоя қилиш
воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш
тартиби тўғрисидаги низомга
За-илова

**Тақдим қилинаётган кимёлаштириш ва барча турдаги минерал ўғитларнинг
физикавий-кимёвий хусусиятлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	<i>а) Таркибий ташиқил этувчи моддаларнинг физикавий-кимёвий хусусиятлари</i>	
1	<i>Таркибий ташиқил этувчи моддаларнинг (ISO, IUPAK, CAS RN бўйича) номланиши (жумладан, қўшиладиган органик моддалар: гуминлар, ўсимликларни ўсишини бошқарувчи препаратлар)</i>	
2	Структуравий формуласи (оптик изомерлари кўрсатилсин)	
3	Эмпирик формуласи	
4	Молекуляр оғирлиги	
5	Агрегат ҳолати	
6	Ранги, ҳиди	
7	Сувли эритмаларнинг музлаш ҳарорати	
8	Сувда эриши	
9	Органик эритувчиларда эриш кўрсаткичи, мг/100 мл	
10	Эриш ҳарорати	
11	Қайнаш ва музлаш ҳарорати	
12	Маҳсулотнинг ишлатиш шакли. Таркибига кирувчи компонентларнинг меъёрий техник ҳужжатлари	
<i>б) Тайёр ўғитнинг физикавий-кимёвий хусусиятлари</i>		
1	Агрегат ҳолати	
2	Ранги, ҳиди	
3	Сувли эритманинг барқарорлиги	
4	РН	
5	Ўғитнинг намлиги, (%).	
6	Зичлиги	
7	Намланиши	
8	Термо ва фотобарқарорлиги	
9	Сувли эритмани қайнаш, музлаш ва кристаллашув ҳарорати	
10	Коррозион хусусияти	
11	Аралашмаларнинг сифатий ва миқдорий таркиби ва сертификациялаш кўрсаткичлари	
12	Умумий азотнинг массавий улуши (N)%, кам	

	эмас шу жумладан Аммонийли азот(N-NH ₄) Карбамидли азот (N-NH ₂) Нитратли азот (N-NO ₃)	
13	Сувда эрувчан фосфор пентаоксид (P ₂ O ₅)нинг массавий улуши, %, кам эмас	
14	Сувда эрувчан калий (K ₂ O)нинг массавий улуши, %, кам эмас	
15	Кальцийнинг масса улуши, %, кам эмас	
16	Сувда эрувчан магний (MgO), %, кам эмас	
17	Умумий сувда эрувчан Бор, %, кам эмас	
18	Умумий сувда эрувчан темир (Fe), %, кам эмас	
19	Умумий сувда эрувчан рух (Zn), %, кам эмас	
20	Умумий сувда эрувчан марганец (Mn), %, кам эмас (шунингдек бошқа микроэлементлар)	
21	Сочилувчанлиги, %	
22	Гранулаларнинг статик мустаҳкамлиги, mPs (kgh/cm ²) камида	
23	Гранулометриқ таркиби, қуйидаги ўлчамли гранулаларнинг масса улуши: 1 mm дан кам, кўп эмас 1 mm дан 4 mm гача, %, камида 6,3 mm дан кўп, %, кўп эмас	
24	Тайёр ўғитнинг (кукун, гранула ва ш.к.) ташкилот стандарти лойиҳаси илова қилинади	
25	Маҳсулотнинг таркиби, аралашмаларни ва ш.к. аниқлаш учун қўлланадиган таҳлилий усуллар илова қилинади	
26	Токсик хусусияти (хавфлилик тоифаси кўрсатилади)	
27	Ўғитнинг аккредитацияланган лабораторияда ўтказилган маҳсулот сифати тўғрисидаги таҳлил хулосаси илова қилинсин	

Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш
воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**Тақдим қилинаётган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш
воситаларининг токсикологик-гигиеник таърифи тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	<i>а) Таъсир этувчи модданинг токсикологик таърифи</i>
1	Оғиз орқали (перорал) таъсир этувчи ўткир токсиклик (заҳарлилик) (сичқонлар, каламушлар) - LD ₅₀ , ўткир таъсир чегараси
2	Тери орқали таъсир этувчи ўткир токсиклик - LD ₅₀
3	Нафас йўллари орқали (ингаляцион) таъсир этувчи ўткир токсиклик - CD ₅₀ , ўткир таъсир чегараси
4	Токсик таъсир механизми (нишон бўлувчи органлар), ўткир ва сурункали интоксикация (заҳарланиш)нинг клиник белгилари
5	Тери ва шиллик қаватларга қўзғатувчи таъсир
6	Товуқларда секинлашган нейротоксик таъсири (фосфорорганик пестицидлар учун мажбурий, бошқалари учун – зарурат туғилса)
7	Ўткирости перорал токсиклик (кумулятив хоссалари), кумуляция коэффиценти
8	Теридаги ўткирости токсиклик
9	Сенсибилизацияловчи таъсир, иммунотоксиклик
10	Сурункали токсиклик (чегаравий ва самарасиз дозалар)
11	Онкогенлик, ҳайвонларнинг икки турига (сичқонлар, каламушлар) икки йил мобайнида синовдан ўтаётган моддани киритиш йўли билан аниқланади ва тирик қолиш бўйича материаллар (жадвал ёки эгри чизиқлар) тақдим қилиш, шунингдек, интеркуррент (Каплан – Мейер усули бўйича) ўлим даражасини ҳисобга олган ҳолда эффектив миқдор (биринчи ўсма пайдо бўлгунча ёки аниқлангунча яшаб қолган ҳайвонлар миқдори) бўйича аниқланадиган барча гистологик тур ва локализациядаги хавфли ва безарар ўсмаларнинг учраш частотаси билан белгиланади; экспериментал ва тарихий назорат бўйича маълумотлар

12	Тератогенлик ва эмбриотоксиклик – хомиладаги аномалияларни ва хомила учун токсикликни аниқлашга имкон берувчи услубий ёндашувларни қўллаган ҳолда	
13	Репродуктив токсиклик, икки авлод усулини қўллаган ҳолда ва гонадотоксиклик	
14	Мутагенлик: метаболик фаоллик билан ва фаоллашмаган ген мутациялари учун Эймс тести; инсоннинг периферик қонидаги лимфоцитларда in vitro цитогенетик тести (хромосомали абберрациялар); кемирувчиларнинг суяк кўмиги хужайраларида in vivo цитогенетик тест (хромосомали абберрациялар, микроядролар). Шунингдек бошқа, аммо учтадан кам бўлмаган, жумладан, Эймс тести ва сутэмизувчилар учун in vivo тестини ҳисобга олган ҳолда тестларини ўтказишга йўл қўйилади	
15	Сут эмизувчилар организмидаги метаболизм, асосий метаболитлар, уларнинг токсиклиги, токсикокинетика ва зарур бўлса токсикодинамика	
16	Зарарли таъсирни лимитловчи кўрсаткич	
17	Инсон танаси оғирлигига қараб йўл қўйиладиган мг/кг/вазн суткалик доза (ЙСД). Атроф-муҳит объектларида, жумладан, қишлоқ хўжалиги ўсимликларидаги метаболизм	
б) Препаратив шаклнинг токсикологик таъсири		
1	Ўткир перорал токсиклик (сичқонлар, каламушлар) - LD ₅₀	
2	Тери орқали таъсир этувчи ўткир токсиклик - LD ₅₀	
3	Ўткир ингаляцион токсиклик - LD ₅₀	
4	Тери ва шиллиқ қаватларга қўзғатувчи таъсир	
5	Ўткирости перорал токсиклик (кумулятив хоссалари), кумуляция коэффициенти	
6	Теридаги ўткирости токсиклик (терига яққол хавф туғдирувчи препаратлар учун)	
7	Ўткирости ингаляцион токсиклик (ингаляцион хавф туғдирувчи препаратлар учун)	
8	Сенсибилизацияловчи таъсир	
9	Препаратив шакл компонентларининг токсикологик тавсифи (тўлдирувчилар, эмульгаторлар, стабилизаторлар, эритувчилар ва ш.к.). Пестицид таркибида	

	таъсир этувчи моддага нисбатан токсик таъсирни анча кучайтирувчи моддалар мавжуд бўлса, пестициднинг препаратив шаклини токсикологик баҳолаш бўйича маълумотлар таъсир этувчи модда ва препаратив шакл компонентларининг хусусиятлари, шунингдек, метаболизмни ҳисобга олиб кенгайтирилиши мумкин	
10	Мутагенлик	
11	Ташқи муҳит (ҳаво, сув, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқ.)да йўл қўйиладиган чегаравий концентрация (ЙЧК) асосланиши	
12	Препаратни сақлаш шароити ва муддатлари	
13	Препаратни ташиш, сақлаш ва у билан ишлашда хавфсизлик чора-тадбирлари	
14	Ишчи суюқликни тайёрлаш тартиби	
15	Бошқа мамлакатларда рўйхатга олинмиши (рўйхат гувоҳномасининг рақами, берилган сана, қўллаш соҳаси ва тартиби)	
16	Мўлжалланган мақсади	
17	Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг фойдали объектларини муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар	
18	Заҳарланганда кўрсатиладиган биринчи ёрдам	
19	Кийим-бош, ўрам-идиш, оқиб ёки тўкилиб кетган препарат, транспорт воситаларини зарарсизлантириш усуллари, ўрам-идиш ва яроқсиз ҳолга келган препаратни утилизация (чиқиндига чиқариш) усуллари	
20	Препарат билан ишлайдиган аҳоли ва шахсларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган гигиеник нормативлар: озик-овқат маҳсулотлари таркибида йўл қўйиладиган минимал рухсат этилган миқдори (МРМ); сув таркибида, ишчи зонанинг ҳавосида, атмосфера ҳавосида йўл қўйиладиган чегаравий концентрация (ЙЧК); тупроқдаги ОДК; санитария-муҳофаза зонаси; ишга чиқиш муддати; пестициднинг амалдаги юкламаси	

Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш
воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**Тақдим қилинаётган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш
воситаларининг, микробиологик препаратларнинг фаол ингредиент ва
препаратив шаклининг (бактериал, замбуруғли, вирусли, микроспородиал
препаратлар, микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти маҳсули асосида)
таркиби ва хусусиятлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Ҳосила берувчи штаммнинг хоссалари
1	Микроорганизмнинг тур номи (лотинча номланиши)
2	Штаммнинг (изолятнинг) рақами ёки номланиши
3	Штамм ажратиб олинган манба
4	Хос-морфологик ва биокимёвий хоссалари, идентификациялашнинг тестлари ва мезонлари (идентификациялашни амалга оширган муассаса ҳам кўрсатилсин)
5	Зарарли объектга нисбатан патогенлик ёки антагонизм
6	Шу турдаги мавжуд штаммлардан фарқи (жумладан, чет элда)
7	Шу турдаги микроорганизмларнинг бошқа штаммларини лизирловчи фағларга муносабати
8	Штаммни сақлаш усули, шарт-шароити ва сақланадиган муҳит таркиби
9	Микроорганизмларни кўпайтириш усули, шарт-шароити ва сақланадиган муҳит таркиби. Вируслар ва микроспоридийлар учун улар етиштириладиган маҳсус хомашёнинг хусусиятлари кўрсатилади
10	Атроф-муҳит ва биоматериалнинг микробли муҳитида микроорганизм мавжудлигини аниқлаш усули
11	Штамм ҳосил қиладиган маҳсулот (кимёвий таркиби, структуравий формуласи, барқарорлиги, колдикларини аниқлаш усули)
12	Агрегат ҳолати
13	Намланиши
14	Таркибидаги нам миқдори (%)
15	Ёт микрофлора мавжудлиги
16	Таъсир этувчи сабабни аниқлаш усули

Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш
воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш
тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

Тақдим қилинаётган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш
воситаларининг, микроорганизмни токсикологик баҳолаш
(бактериялар, замбуруғлар) тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Т/р	Ҳосила берувчи штамминг хоссалари
<i>а) Микроблар синтез қилган маҳсулотларни токсикологик баҳолаш</i>	
1	Перорал таъсир этувчи ўткир токсиклик (сичконлар, каламушлар) - LD ₅₀ , ўткир таъсир чегараси
2	Тери орқали таъсир этувчи ўткир токсиклик - LD ₅₀
3	Ўткир ингаляцион токсиклик - CD ₅₀ , ўткир таъсир чегараси
4	Ўткир интоксикациянинг клиник белгилари
5	Тери ва шиллиқ қаватларга қўзғатувчи таъсир
6	Ўткирости перорал токсиклик (кумулятив хоссалари), кумуляция коэффициенти
7	Теридаги ўткирости токсиклик
8	Сенсибилизацияловчи таъсир, иммунотоксиклик
9	Сурункали токсиклик (чегаравий ва самарасиз дозалар)
10	Онкогенлик (дастлабки умумлаштирувчи материаллар – тажриба остидаги ҳайвонларда ўсмалар учраши частотаси тўғрисида абсолют қийматларда ҳамда битта ҳайвонга тўғри келувчи ўсмалар миқдорининг самарали миқдорига нисбатан олинган маълумотлар, барча жойлашган жойлари бўйича ўсмаларни гистологик турининг миқдори ва частотаси, метастаз бериши, ҳайвонларни тирик қолиши, онкоген хавф коэффициенти, биринчи ўсмани аниқлаш муддати, эксперимент ўтказилаётган ҳайвонларнинг экспериментал тарихий назорати бўйича маълумотлар)
11	Тератогенлик ва эмбриотоксиклик – ҳомиладаги аномалияларни ва ҳомила учун токсикликни аниқлашга имкон берувчи услубий ёндашувларни қўллаган ҳолда
12	Репродуктив токсиклик, икки авлод усулини қўллаган ҳолда ва гонадотоксиклик

13	Мутагенлик: микросомал фаоллашувли ва фаоллашувсиз ген мутациялари мавжудлигига тестлар, шу жумладан Эймс тести ва хамиртурушда тестлар; хромосомали абберрациялар (лаборатория хайвонларида in vivo); инсоннинг периферик қони лимфоцитларида in vitro. Шунингдек бошқа, аммо учтадан кам бўлмаган, шу жумладан Эймс тестини ўтказишга йўл қўйилади	
14	Сут эмизувчилар организмидаги метаболизм, асосий метаболитлар, уларнинг токсиклиги, токсикокинетикаси ва зарур бўлса токсикодинамикаси	
15	Зарарли таъсирни (токсикликни) лимитловчи кўрсаткич	
16	Инсон танаси оғирлигига қараб йўл қўйиладиган мг/кг/вазн суткалик доза (ЙСД)	
17	Ташқи муҳит (ҳаво, сув, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқ.)да йўл қўйиладиган чегаравий концентрация (ЙЧК) асосланиши	
	б) Микробиологик препаратни препаратив шаклининг токсикологик баҳоланиши	
1	Ўткир перорал токсиклик (сичқонлар, каламушлар) - LD ₅₀	
2	Ўткир ингаляцион токсиклик - LD ₅₀	
3	Тери ва шиллиқ қаватларга қўзғатувчи ва резорбтив (зарур бўлса) таъсир	
4	Сенсибилизацияловчи таъсири	
5	Кумулятив хоссалари (микроорганизмларнинг ҳаётий фаолияти маҳсули асосида ясалган препаратлар учун)	
6	Дисбактериотик таъсири	
7	Контаминант микрофлора таркиби (вирусли ва микроспородиал препаратлар учун) ва иссиқ қонли хайвонлар учун патогенлиги бўйича маълумотлар	
8	Вақт ўтгандан кейинги таъсирлари (таркибида токсин мавжуд препаратлар учун), мутагенлик (Эймс тести), гератогенлик	

Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш
воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш
тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

**Тақдим қилинаётган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш
воситаларининг препаратнинг экологик-токсикологик тавсифи тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Препаратнинг экологик-токсикологик тавсифи
1	Таъсир этувчи модданинг тупроқда парчаланиш тезлиги (ярим парчаланиш даври T50, тўлиқ парчаланиш даври T90): лаборатория шароитида: бўз тупроқли, ўтзор ёки шу каби, ҳарорат ва намликка боғлиқ равишда органик моддалар миқдори 1%дан 3%га қадар бўлган тупроқларда; кўрсатилган турдаги тупроқларнинг бирида лабораториядаги анаэроб шароитда; Марказий Осиё минтақасига яқин тупроқли-иқлим зоналарининг тупроқларида дала шароитида
2	Таъсир этувчи модданинг парчаланиш жараёнида ҳосил бўладиган метаболитларнинг таркиби ва фоизли миқдори (лаборатория, анаэроб ва аэроб шарт-шароитлар, кўрсатилган турдаги тупроқларнинг бири); таъсир этувчи моддани боғланган қолдиқларининг фоизли миқдори (лаборатория шароити, бир турдаги тупроқ)
3	Таъсир этувчи модданинг сорбцияланиш/десорбцияланиш кўрсаткичлари: бўз тупроқли, ўтзор ёки шу каби, ҳарорат ва намликка боғлиқ равишда органик моддалар миқдори 1%дан 3%га қадар бўлган тупроқларда
4	Таъсир этувчи моддани тупроқда кўчиб юриш кўрсаткичлари: лаборатория шароитида: бўз тупроқли, ўтзор ёки шу каби, ҳарорат ва намликка боғлиқ равишда органик моддалар миқдори 1% дан 3%га қадар бўлган тупроқларда (юпқа қатламли тупроқ хроматографияси ёки колоннали тажрибалар); Марказий Осиё минтақасига яқин тупроқ-иқлимли зоналари тупроқларида дала шароитида
5	Кўрсатилган турдаги тупроқлардан (лаборатория шароитида) таъсир этувчи модданинг буғланиш кўрсаткичлари (учувчан моддалар учун)

6	Таъсир этувчи модданинг сувда парчаланиш тезлиги (T_{50} ва T_{90} , гидролиз): минераллашуви, рН5-9 оралиғида ва ҳарорат режимида	
7	Таъсир этувчи модданинг сувда (лаборатория шароитида) деградиациялашувидан ҳосил бўладиган метаболитлар таркиби ва фоизли миқдори	
8	Таъсир этувчи модданинг юзада (шиша, тупроқ, лист) парчаланиши тезлиги (T_{50} ва T_{90} , фотолиз, лаборатория шароити)	
9	Препаратнинг қушлар учун токсиклиги: ўткир перорал (LD_{50}); боқишда (LK_{50})	
10	Ёмғир чувалчанги учун препаратнинг токсиклиги (LK_{50})	
11	Тупроқ микроорганизмлари учун препаратнинг токсиклиги (тупроқ нафас олишининг жадаллиги ва азотни трансформацияланиш жараёнлари бўйича баҳоланади)	
12	Препаратни токсикологик-балиқ хўжалиги нуқтаи назаридан баҳоланиши: (LK_{50} , объект, экспозиция вақти) балиқлар учун; <i>Daphnia</i> учун	
13	Препаратнинг фойдали ҳашаротлар, асаларилар учун токсиклиги ва хавфи (халқаро тартибларга кўра дала тестларини ўтказиш талаб этиладими; асаларичилик маҳсулотларида қолдиқ миқдорлар аниқланадими; гуллаш пайтида препарат қўлланадими) LD_{50} , орал токсиклик мкг д.в./ари; LD_{50} контактли токсиклиги мкг д.в./ари	
14	Маданий экинларга нисбатан фитотоксиклиги	

Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш
воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш
тартиби тўғрисидаги низомга
8-илова

**Тақдим қилинаётган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш
воситаларининг ўрам-кути ёрлиғи тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Ўрам-кути ёрлиғи тўғрисида маълумот	
1	Препаратнинг хос (савдо) номи	
2	Ишлаб чиқарувчи (манзили, телефон, факс)	
3	Таъсир этувчи модда (ISO бўйича), микробиологик препаратлар учун - микроорганизм, штамм ёки изолятнинг тур номи	
4	Концентрация, г/л ёки г/кг нисбатда (микробиопрепаратлар учун – тирик ҳужайралар ёки уларнинг ҳаётининг фаолияти маҳсули)	
5	Препаратив шакли	
6	Қўлланадиган мақсад ва соҳаси (сунъий урчитилган микроорганизм, зарарли организм ёки касаллик, сарф меъёри)	
7	Чекловлар	
8	Токсиклик (хавфлилик синфи, шу жумладан асарилар учун)	
9	Оғирлиги, кг (қаттиқ препаратлар учун), ҳажм, л (суюқликлар учун)	
10	Чиқарилган партия рақами ва ишлаб чиқарилган сана	
11	Сақлашнинг кафолат муддати	
12	Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё комиссиясининг қарорига асосан Ишчи органи томонидан берилган гувоҳнома рўйхат рақами ва рўйхатга олинган сана	

Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш
воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга
олиш тартиби тўғрисидаги низомга
10-илова

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
VAZIRLIGI



МИНИСТЕРСТВО СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН

**КИМЁЛАШТИРИШ ВА ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИНИ
СИНОВДАН ЎТКАЗИШ ВА РЎЙХАТГА ОЛИШ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ (ДАВЛАТ КИМЁ КОМИССИЯСИ)**

РЎЙХАТГА ОЛИНГАНЛИК ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА

№ _____

20 _____
(сана)

Тошкент ш.

Гувоҳнома берилган тадбиркорлик субъекти номи _____

Савдо номи, концентрацияси, препарат шакли, таъсир этувчи модда _____

Қўллаш доираси _____

Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасининг
рўйхатга олинганлик рақами ва санаси _____

Гувоҳномани амал қилиш муддати _____

Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш
воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга
олиш бўйича давлат комиссияси
Ишчи органи ДУК директори

(М.Ў.) (имзо)

Ф.И.О.

